Ушбу сонда:

2 ҲАР БИР ХАТДА ИНСОН ТАҚДИРИ

3 *Газетхон илтимосига кўра* ЯНА ИМТИЁЗЛАР ҲАҚИДА

4 ҲАР ОЙНИНГ УЧИНЧИ ШАНБАСИ «Болалар спорти куни»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 5 март, чоршанба № 36 (1461)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Словакия Республикаси Президенти Рудолф Шустер 2003 йил 6-7 март кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган Фармойишига асосан Обод маҳалла йили муносабати билан ҳамда республикада санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўкламги ишларни ташкил этиш ва «Наврўз» умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш мақсадида ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ойлиги эълон қилинди.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Табиат уйқудан уйғониб, теварак-атроф яшил либосга буркана бошлади. Миришкор туманидаги «Обод» қишлоғи фуқаролари ҳам баҳор байрамини қувонч билан қаршиламоқдалар. 3200 нафардан ортиқ аҳоли яшаб, умргузаронлик қилаётган мазкур чўл қишлоғида кўкламга тайёргарлик анча илгари бошланди. Кўча ва хиёбонлар, йўл ёқалари, хонадонлар чиқиндилардан тозаланиб, тартибга келтирилди.

Айни чоғда бу ерда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гул ўтказиш қизғин тус олган. Жумладан, 5000 тупдан ортиқ сархил мева ва 3 минг дона гул кўчатлари ўтказилди. Эски дарахтларга шакл берилиб, қатор оралари ишланди ва озиқлантирилди.

– Ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ойлиги тадбирларини ишлаб чиқдик, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси И. Иброҳимов. – Умумхалқ ҳашарига қишлоқ ва маҳаллалар аҳолиси, деҳқон ва фермер хўжалиги аъзолари, мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари кенг жалб этилган.

Турар жойлар ободонлаштирилаяпти. Йўл ва йўлаклар, ариқ ва лотоклар тозаланмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбарлари, оқсоқоллар, зиёлилар бошчилигида Наврўз кунлари ҳар бир маҳаллада дош қозонларда ош, ҳалим ва сумалак пишириб, элга тарқатилади. Дилтортар куй-қўшиқлар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан иборат концерт дастурлари ижро этилади. Кўпкари, миллий кураш мусобақалари, ҳар-хил қадимий ўйинлар уюштирилади. «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин» мавзуида бадиий кеча ўтказилади. Қишлоқ ва маҳаллалардаги «Сумалак сайли» Наврўзнинг тансиқ таомлари тортилади.

Тадбиркорлар ҳомийлигида етим-есирлар, қаровчиси йўқ ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва фахрийларнинг холидан хабар олиниб, моддий ёрдам кўрсатилаяпти.

Туманнинг «Денов», F. Ғуломов, Р. Ғоипов номли, Чандир, Амир Темур, «Миришкор» хўжаликларида Наврўз байрамига пухта ҳозирлик кўрилаяпти. 15 март куни ҳайрия ҳашари ташкил қилиниб, ундан тушган маблағ «Маҳалла» жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилади.

Янги Миришкор қишлоғидаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи ўзгача чирой очди. Дам олиш масканидаги ўйингоҳ, болалар майдончалари жажжи ўғил-қизларнинг шодон қийқириқлари билан тўлди.

...Бу ерлар бир вақтлар қуш учса қаноти, одам ўтса оёғи куядиган яйдоқ чўл эди. Эндиликда у яшнаган боғроғлар ва экинзорларга айланди.

У. ИЗЗАТОВ.

БАЙРАМ «ЁШЛИК»ДА БЎЛАДИ

Нуроталиклар Наврўзни интизорлик билан кутмоқда. Байрам тантаналари бўлиб ўтадиган «Ёшлик» стадиони қайтадан таъмирланмоқда. Бу ишга туман халқ таълими, автойўл ҳамда коммунал хўжалик бўлими бош-қош бўляпти.

- Наврўз байрами кунларида халқ ҳунармандчилиги, тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтади,- дейди туман ҳокими ўринбосари Бекмамат Жумаев. - Шунингдек, кўргазмада тумандаги тадбиркор ва фермерлар ҳам ўз маҳсулотларини намойиш этади.

Айни пайтда туманда ободонлаштириш ойлиги ўтказилмоқда. Шу кунгача хўжалик ва ташкилотлар юз минг туп терак, эллик минг туп тут, эллик минг туп мевали ва ўн минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказди. Байрам арафасида туман марказида бунёд этилаётган 900 ўринли касб-ҳунар коллежи, иккита маҳалла гузари, ўнга яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари фойдаланишга топширилади.

(ЎзА).

Тармоқ қўмиталарида

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

савдо дўконларини очиш ҳисобига бўлди

Савдо ходимлари касаба уюшма Андижон вилоят қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида жамоа назорати комиссиялари фаолиятини жонлантириб юбордилар. Айни пайтда вилоят истеъмол бозорида сифати паст, одамлар соғлигига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини ошириш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Ўтган йили «Матлуботсавдо», «Андижонсавдо» акциядорлик компаниялари харидорларга 25 миллиард сўмликдан зиёд хизмат кўрсатиб, мол айланиш режаларини ошириб адо этдилар. Савдо ташкилотлари мактаб ўқувчилари таъминотини яхшилашни ўз зиммаларига олишган. Илм масканларида 185 та ошхона-буфетлар, 21 та «Нонушта марказлари» ишлаб турибди. Янгитдан 115 та ошхона ва буфетлар ташкил қилиниб, арзон ва сифатли таомлар, қандолат маҳсулотлари ва булочкалар тайёрланмоқда.

Ижтимоий аҳамиятга молик товарлар савдоси яхшиланди. Харидорларга саккиз хилдаги кундалик эҳтиёж моллари мунтазам етказиб бериляпти. Аҳоли талабини қондириш мақсадида марказлашмаган манбалардан 6.6 миллиард сўмлик озиқ-овқат ва истеъмол моллари келтирилди. Савдо маданиятини юксалтириш, моддий-техника базасини ривожлантиришга 70.5 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Қўшимча савдо дўконлари очиш ҳисобига 235 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Вилоятдаги кичик ва ўрта бизнес субъектларига 910.1 миллион сўмлик моддий-техника ресурслари етказиб берилди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишга кўмаклашилди. Ўтган давр ичида тармоқда ишлаётганларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш тадбирлари белгиланди. Жамоа шартномаларида кўрсатилган имтиёзлар асосида ишчи-хизматчилар 3 миллион 193 минг сўм миқдорида рағбатлантирилди. 1632 нафар кам таъминланган оилаларга 4 миллион 777 минг, меҳнат фахрийларига 11 миллион 194 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қўмита ташаббуси билан йил бошида «Жамоа шартномаларини қабул қилиш ойлиги» ўтказилди. Унда бошланғич ташкилотлар ва иш берувчилар томонидан тузилган шартномаларнинг бажарилиши таҳлил этилди.

Тармоқ ходимлари фарзандларини руҳан соғлом, маънавий етук қилиб тарбиялаш, ота-оналар касбига меҳр-муҳаббат уйғотиш мақсадида «Мен савдогар фарзандиман» кўрик-танловларини ўтказиш одат тусига кирган. Тадбирларда ходимларнинг 450 нафар фарзандлари иштирок этди. Марҳамат туманидан Гулбаҳор Йўлдошева, Олтинкўл туманидан Машҳурбек Райимжоновлар ғолибликни эгалладилар.

Адабиёт, санъат, халқ ижодиёти соҳасидаги вилоят кўрик-танловида олтинкўллик савдо ходими Давлатхон Тошматова ғолиб деб топилди. Спортнинг волейбол, шоҳмот, шашка, стол тенниси, миллий кураш ва тош кўтариш турлари бўйича тармоқлараро спартакиадада Марҳамат туман савдогарларининг кўли баланд келди.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ишлаётганларни ҳалоллик, поклик, ўз касбига ва харидорларга ҳурмат руҳида тарбиялашда 65 та бошланғич ташкилотлар ҳузурида ташкил этилган «Маънавият ва маърифат марказлари»да ўтказилаётган учрашувлар ижобий самара бермоқда.

Савдо маданиятини ошириш, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, мактаб ошхона ва буфетлари ишини йўлга қўйиш бўйича республика тажриба мактаби ишлаб турибди.

И. ҲАКИМОВ.

ХИЗМАТ СИФАТИ ОРТДИ

Ургут туманида соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш ва улар фаолиятини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.Жумладан ўтган йили Пахмов ва Бешкана қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. Шундай қилиб тумандаги мавжуд ҚВПлар сони 32 тага етди. Шулардан 12 таси замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган янги биноларда фаолият кўрсатмоқда.

Тиббий хизмат сифатини оширишнинг муҳим шарти бўлган тиббиёт муассасаларини босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқариш ҳам эътибор-марказида бўлаётир. У.Курбонов номли туман шифохонаси ва диагностика маркази пулли тиббий, хизмат кўрсатишга ўтказилган. Бундан ташқари, туманда «Шифо» хусусий шифохонаси, «Жасур» стомотология поликлиникаси фаолият кўрсатмоқда.

ШОҲРУҲ.

Ислоҳот — инсон учун

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Беруний туманида кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётир. Бугунги кунда ҳаммаси бўлиб 1014 нафар тадбиркор рўйхатдан ўтказилган. Якка тартибда меҳнат қилаётган ишбилармонлар сони 1132 нафарни ташкил этди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар улуши тумандаги умумий ишловчилар сонига нисбатан 58 фоизга етди.

Ўз-ўзидан ишбилармонларнинг амалиётдаги, яъни ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишдаги аҳамияти қай даражада, деган савол туғилиши табиий.Бу ўринда ҳеч иккиланмасдан «ижобий» деб жавоб бериш мумкин. Масалан, ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизмат турлари бўйича улуши қишлоқ хўжалигида 90.6 фоизни, қурилишда 33.9 фоизни, савдода 37.7 фоизни, пулли хизматларда 41.4 фоизни ташкил қилади. Кўринаяптики, туманда бу борада олға силжиш бор. Шундай экан, берунийликлар бунга қандай эришдилар? Аввало кичик ва ўрта бизнес субъектларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди. Тижорат банклари томонидан ўтган йилнинг ўзида тадбиркорлик субъектига 158.5 миллион сўм ажратилди.

«Орол» фонди ҳисобидан эса 30 нафар тадбиркорга 29.4 миллион сўм берилди. Ўтган йилнинг август ойида таъсис этилган низом фонди 80 минг АҚШ доллари бўлган «RIKO - LOTS» Ўзбекистон – Германия қўшма корхонаси тумандаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайди ва қадоқлайди. Шуниси эътиборга лойиқки, туманда янги ташкил этилаётган бизнес субъектларининг таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, уларни ноқонуний текширувлардан ҳимоялашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 304 нафар тадбиркорга ҳужжат тайёрлашда ёрдам кўрсатилди. 450 нафар хўжалик юритувчи субъект «текширувларни рўйхатга олиш китоби» билан таъминланди. Тадбиркорлар, фермерлар ва уста ҳунармандлар маҳсулотларини халққа танитиш, илғор тажрибаларни тарғиб қилиш мақсадида «Ташаббус – 2002» кўрик-танлови ўтказилди. Тадбиркорларни хомашё, асбоб- ускуналар билан таъминлаш мақсадида туманлараро «МИНИТЕХ – 2002» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Фермерлар, кичик корхона, хусусий фирмалар ҳамда бошқа тадбиркорларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларини «МАРОҚАНД» тизими орқали сотилиши таъминланди.

Туманда фуқаролар ва тадбиркорлардан тушаётган ёзма ва оғзаки мурожаатлар билан ишлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўтган йили ана шундай 72 та мурожаат ижобий ҳал этилди. Жумладан «Қизил қалъа» кичик корхонасининг 815 минг сўм муддати ўтган дебитор қарзи Тўрткўл ПТШО ҳиссадорлик жамиятидан суд орқали ундириб берилди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

СОФ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАҚДИМОТИ

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Соф ишлаб чиқариш миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган атроф-муҳит мусаффолигини таъминлайдиган замонавий технологиялар тақдимоти бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда барча ишлаб чиқариш жабҳаларида табиатга зарар етказмайдиган замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш экологик мувозанатни сақлаш, табиий бойликларни тежаш баробарида маҳсулот сифатини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ЮНИДО халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган Соф ишлаб чиқариш миллий маркази фаолият йўналишларидан бири - экологик жиҳатдан самарали усул ва воситаларни мамлакатимиз корхоналарига жорий этишни йўлга қўйишдир.

Германиянинг Infastaub Gmbh ва Intensiv Gmbh компанияларида ишлаб чиқариладиган чанг ва газ ютувчи қурилмалардан дунёнинг ўттиздан зиёд мамлакатида фойдаланилади. Бундай воситаларнинг ҳавога чиқадиган зарарли моддаларни ушлаб қолиш самарадорлиги юқори.

Тадбирда мазкур қурилмаларнинг афзалликлари, ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари хусусида батафсил маълумот берилди.

(ЎзА).

БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА САРФЛАНМОҚДА

Амударё туман халқ таълими бўлими маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси соҳа ходимларини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратмоқда. Ишловчиларнинг иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб бориш йўлга қўйилган. Бунда, айниқса, ишловчи нафақахўрлар, икки ёшгача боласи бўлган аёллар алоҳида эътибор марказида бўлаётир.

Мактаб ва бошқа таълим-тарбия муассасалари қишки мавсумга яхши тайёрланганлиги боис, совуқ кунларда муаммолар туғилмади. Ўқув ва тарбия муассасаларида машғулотларнинг мунтазам ўтишига тўла шароит яратилган.

Мактабларда бюджетдан ташқари маблағ топиш ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Бу маблағлар кам таъминланган оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш, уларни бепул дарсликлар билан таъминлашга сарфланмоқда.

С. ЯРАШЕВ.



Сирдарё вилояти касаба уюшмалари Кенгаши мутасаддилари маҳаллалар фаоллари, эл-юрт ўртасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган табаррук инсонлар билан ҳамкору ҳамжиҳатликда фаолият юритиб келмоқда. Айниқса, Наврўзи олам яқинлашаётган унутилмас кезларда маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясини янада мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилаяпти. Мақсадга эришишда илғорлар тажрибаси оммалаштирилаётганлиги муҳим рол ўйнамоқда.

Суратларда: вилоят касаба уюшма Кенгашида маҳалла фаоллари билан давра суҳбати акс эттирилган.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ - ЗАМОН ТАЛАБИ

Пойтахтимиздаги халқаро бизнес-марказда «TS-Technology» компанияси томонидан «Fido - business», «UzPak», ва «UCD Micros» компаниялари кўмагида ташкил этилган семинар бўлиб ўтди.

Семинарда давлат, кичик ва ўрта бизнес тармоғи вакилларини кундалик фаолиятда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланишга жалб қилиш, шунингдек, энг янги компьютер технологиясини жорий қилиш борасида ўзаро фойдали ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди ҳамда кўриб чиқилди.

- Компаниямиз Ўзбекистонда Brandname русумидаги шахсий компьютерлар ва сервер тизимларини ишлаб чиқариш бўйича дастлабки йирик компания ҳисобланади, - деди тадбирда «TS-Technology» компаниясининг тижорат директори Р.Тошов. -Бугунги кунда биз «Intel», «3Com», «Samsung», «Seagate» каби кўплаб жаҳонга машҳур корпорациялар билан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Шунингдек, семинар иштирокчилари ушбу компания томонидан ишлаб чиқарилган замонавий компьютер техникаси кўргазмаси билан танишди ва «Маълумотларни узатиш миллий тармоғини модернизация қилиш дастури», «Корпоратив ахборот тизими» ҳамда «Технологиялар ва ечимлар» мавзуларида маърузалар тинглади.

(ЎзА).

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилганди

ҲАР БИР ХАТДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётимиз таянчи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Айни чоғда Фарғона вилояти адлия бошқармаси мулкдорлар фаолиятига ҳуда-беҳудага аралашишга қарши қатъий кураш олиб бормоқда. Ўтган йил давомида бошқармага тадбиркорлар томонидан 161 та шикоят келиб тушди. Натижада судларга 84 та даъво аризалари киритилди. 63 нафар мансабдор шахслардан 1,5 миллион сўмдан зиёд моддий, 1 миллион 180 минг сўм маънавий зарар ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

Янги йил байрамига бир ҳафтача вақт қолганди. «Риштон агрофирмаси» жамоаси шодиёна тадоригини кўрарди. Мақсад дўкон пештахталарини чиройли қадоҳланган, арзон маҳсулотлар билан тўлдириб, фарғоналиклар кайфиятини кўтариш, оғирини енгил қилиш эди. Фирма саркори А.Авестисов ана шу юмушлар билан югуриб-елар, жамоани байрам дастурхонига чорлаб, совғалар улашишни ният қилиб қўйганди.

Вилоят қимматли қоғозлар бозори фаолиятини назорат қилувчи марказ гуруҳи томдан тараша тушгандек, тўсатдан ишхонада пайдо бўлди. «Меҳмон отадан улуғ» дейдилар. Дарҳол тафтишчиларга иззат-ҳурмат кўрсатилди. Бироқ, меҳмонларнинг қовоғидан қор ёғарди. Гап орасида агрофирма бошлиғи назорат идораларининг буйруғи кўрсатилишини ва текширишлар китобига қайдлар киритилишини қистириб ўтди. Лекин гуруҳ аъзолари туман давлат солиқ идораси ходими С.Қўчқоров, молия бўлим йўриқчиси А.Сайфутдинов шериклари Б.Мусиновлардан садо чиқмади.

А.Аветисов ушбу текширишнинг қонунийлигини аниқлаш мақсадида вилоятдаги мутасадди идораларнинг остоналарида бод-бод сарғайди. Лекин, тадбиркорнинг илтижоларига қулоқ соладиган мард топилмади. Текшириш 2001 йилнинг 21 декабридан 2002 йилнинг 15 январигача давом этди. Фирманинг молиявий фаолияти элак-элак қилинди. Фирмага қарашли савдо дўконлари ёпилди, банк орқали амалга ошириладиган муомалалар «муздатиб қўйилди». Текширув материаллари терговга оширилди. Риштон туман прокуратурасини текширишларнинг қонунийлиги, мулкдорнинг ҳуқуқий ҳимояси эмас, жиноят аломатлари қизиқтирарди. Охир-оқибат жамият раиси А.Аветисов устидан туман прокуратураси 2002 йил 7 феврал куни жиноий иш қўзғатди.

Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисидаги Қонуннинг 41-моддасида давлат бошқарув идоралари мулкдорларни қўллашда масъуллигидан А.Аветисов хабардор эди. Шу боис у шикоят билан вилоят Адлия бошқармасига чиқди. Натижада юқоридаги текширувнинг ноқонунийлиги ҳақида Риштон туманлараро фуқаролик судига 2002 йил март ойида даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилувчи қарорида текшириш чоғида «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармон талаблари бузилганлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

А.Аветисовнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланди. Вилоят прокуратураси қарори билан унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди. Текширувчилар маъмурий жазога тортилдилар.

Маҳмуджон ТОЖИЕВ,
Фарғона вилоят ҳокимлиги кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.

Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги

ЎРТАЧА ОЙЛИК 55 МИНГ СЎМ

Нигорахон ҳар галгидек ишга барвақт отланди. Теварак атрофнинг саранжом-саришталигини яна бир бор кўздан кечирди. Орадан кўп ўтмай, оқ кабутарлардек шўх-шодон дугоналари кириб келишди. Бош устанинг рухсати билан бир зумда цехда ҳаёт жўш уриб кетди.Ускуналар ишлай бошлади.

Нигорахон Исмоилова ўз касбини пухта эгаллаб олган. Шу боис дастгоҳларни моҳирлик билан бошқаради. Ипнинг беҳуда узилишига йўл қўймайди. Ҳаракатлари чаққон ва дадил.

Андижон вилоятининг Балиқчи туманида фаолият кўрсатаётган «Алишер Навоий интернейшнл» Ўзбекистон – Америка қўшма корхонаси ривожланишнинг ойдин йўлига ўтиб олган меҳнат жамоаларидан. Бу ерда корхонани ижтимоий иқтисодий юксалтиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди.

Қўшма корхона бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси саъй-ҳаракатлари туфайли хорижий сармоялар самарадорлиги ошиб, мавжуд ресурслардан тадбиркорлик билан фойдаланилмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши ҳар бир ишчининг қалб даъватига айланган.

1200 нафарга яқин малакали ходим меҳнат қилаётган фидойи жамоада ҳар ойда 360 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Манзура Абдуллаева, Одинахон Каримова, Тамара Ҳасанова, Нилуфар Асадуллаева каби чеварлар қўлидан чиққан маҳсулотлар пишиқ ва сифатлилиги билан ажралиб туради.

Маъмурият ва касабақўм ўртасида тузилган жамоа шартномаси ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган. Болали аёлларга қўшимча имтиёзлар, қисқартирилган иш кунлари жорий этилган. Туғиш таътиллари ҳомиладорликнинг 5-6 ойидан бошлаб берилади. 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бор оналарга моддий ёрдам кўрсатилади.

Корхонада 127 ўринли ошхона ишлаб турибди. Тажрибали ошпаз В. Солиев тайёрлаётган таомлар хўрандаларга манзур. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишчиларга 60 фоиз арзонлаштирилган ҳолда сотилади. Сут ва сут маҳсулотлари, мева-чевалар бериб борилади.

Корхона ҳузуридаги тиббиёт масканида ходимлар доимий назоратдан ўтказилиб, касаллиги аниқланганлар даволаш-профилактика ишларига жалб қилинади. Спорт- соғломлаштириш мажмуаси, дам олиш хонаси, теннис корти, душ ва сауна меҳнаткашлар хизматида Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 55 минг сўмга тўғри келади. Болалар боғчалари ва транспорт ҳаражатлари ҳам корхона ҳисобидан қопланади. Санаторий ва дам олиш уйларда дам олувчиларга икки ойлик миқдорида моддий ёрдам берилади.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 40 фоиздан ортиғи хорижий истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Германия, Белгия, Италия, Швеция, Россия, Латвия, Польша каби мамлакатлар шулар жумласидандир.

ЁЛҚИН.

КАШТАЧИЛИК МАКТАБИ

Нурота шаҳри қадимдан каштачилиги билан донг таратган. Ўзига хос сўзаначилик анъаналарини қайта тиклаш мақсадида шаҳарда «Нурота каштачилик мактаби» иш бошлади. Мактаб Республика санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Навоий тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ҳомийлигида тащкил этилди.

- Мақсадимиз каштачиликнинг қадимий, айниқса, XIX-асрдаги ноёб нусхаларини қайта тиклаш ва янги намуналарини яратишдан иборат,- дейди лойиҳа менежменти, Навоий тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати директори Аминжон Қодиров. - Биз ҳозирги пайтда халқ амалий музейларидан ўша нусхаларни олиб, қайта тиклаяпмиз. Мактабда йигирма нафар қизга каштачилик сирлари ўргатилмоқда. Нурота каштаси ўзининг мукаммаллиги, ранглар уйғунлигига кўра мамлакатимиздаги олти каштачилик мактабидан фарқ қилади. Режамиз катта. Келажакда Нуротада каштачиликка ихтисослашган йирик фабрика қурмоқчимиз. Маҳсулотимизни хорижга экспорт қилиб фойда кўриш ва кўргазмалар ташкил этиб, ўз санъатимизни намоён этмоқчимиз.

Дарвоқе, «Нурота каштачилик мактаби» менежменти Аминжон Қодиров айни пайтда қадимги бўзларни яратиш, табиий бўёқларни тайёрлаш жараёнини ўрганиш билан бирга хомашёни шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш устида илмий иш олиб бормоқда.

(ЎзА).

Репродуктив саломатлик

ШИФОКОР МАСЪУЛИЯТИ

Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Оиланинг, жамият ва давлатнинг тараққиёти ёш авлод соғлиғи билан бевосита боғлиқ.

Шифохонага оғир аҳволдаги бемор келтирилди. Оғриққа дош беролмаган болакай иситманинг зўридан чинқириб йиғлар эди.

Олти ойлик чақалоқни бўлим бошлиғи Шаҳодат Отаева синчковлик билан текширди. Қўйилган ташхисга тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мақсадида бош ҳаким Асрор Шамсиддинов, тажрибали врачлар Манзура Абдуллаева, Телман Тўраевларни ёрдамга чақирди.

– Бола қаттиқ шамоллаган - деган хулосага келишди докторлар. Алоҳида эътибор билан муолажа қилиш керак.

– Бутун умидимиз сизлардан, – дея гўдакнинг отаонаси докторларга ишонч билан термулиб туришар эди.

Болалар шифокори бўлиш масъулиятли иш. Ҳали тили чиқмаган гўдак қаери оғриётганлигини, нимадан безовта бўлаётганлигини айта олмайди. Бундай мураккаб ҳолатда чуқур билим ва кўп йиллик тажриба асқотади, аниқ ташхис қўядиган тиббий аппаратлар ёрдамга келади.

Бухоро вилоят болалар шифохонасида даволаш-профилактика ишлари тўғри йўлга қўйилган. Тажрибали врач Асрор Шамсиддинов раҳбарлик қилаётган 190 ўринли тиббиёт муассасасида беморларга эътибор ва меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлинади.

– Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган ғамхўрликнинг ифодасидир, – дейди биз билан суҳбатда касалхона бош врачи А.Шамсиддинов. – Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш долзарб вазифага айланган.

10 та бўлим, поликлиника, лаборатория, физиотерапия, рентген хоналарига эга тиббиёт мажмуасида даволаниш учун барча қулайликлар яратилган. 57 нафар малакали врач, 122 та махсус маълумотли ҳамширалар беморлар атрофида парвона. Неврология бўлими мудираси «I-даражали соғлом авлод» ордени соҳибаси Сония Абулхайрова ва унинг ҳамкасблари беморларни даволаш билан бирга маҳаллаларга бориб, болалар касалликларининг олдини олиш, оила тиббий маданиятини яхшилаш мавзусида суҳбатлар уюштиришаяпти.

Чақалоқлар бўлими врачи Шаҳодат Отабоева, ортапедия, неврология, кардиоревматология, жарроҳлик бўлимларидан Алишер Икромов, Матлаб Жўраев, Манзура Абдуллаева, Аҳмад Дилмуродов, Муҳиддин Пардаев сингари оқ халатли фидойилар нафақат дори-дармон, балки, ширин сўзлари билан ҳам беморларни даволашаяпти. Шифохонада ногирон болалар учун алоҳида ўринлар ажратилган.

Касалликни даволашдан кўра олдини олган маъқул, дейишади. Шунинг учун ҳам муассасада болалар касалликларига қарши кураш дастури ишлаб чиқилган. Отаоналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Оилада бош фарзанд тарбияси, чақалоқларни она сути билан боқиш, болаларнинг жисмоний тарбияси, тиббий кўрикдан вақтида ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериб борилади.

Шифохона жамоаси болалар касалликларини даволаш билан бирга соғлом авлодни шакллантириш, оналар соғлиғини мустаҳкамлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

И.ТИЛЛАЕВ.

ҲУНАРМАНДНИНГ НИЯТИ

Корхонанинг мўжаз цехларида ҳаёт қайнайди. Чевар тикувчилар тикув дастгоҳида ўзимизнинг пахтамиздан тайёрланган маҳсулотларни тикиб, бўёқ цехида турли бўёқларга бўяб, моҳир тикувчи бичувчи қизлар замон талабларига мос келадиган бежирим тирикатаж буюмлари тикишмоқдаки, кўриб кўзлар қувонади. Бир томонда эса нон ва нон маҳсулотлари, қандолат ҳамда саккиз турдаги печенье маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Омборимизда ортиқча маҳсулотларимиз йўқ, - деди биз билан суҳбатда Хатирчи туманидаги "Ҳунарманд" кичик корхонасининг раҳбари Баҳрон Ойдинов, - Биз сифатли маҳсулотлар тайёрлаймиз. Мижозларимиз шунинг учун ҳам талайгина. Ниятим хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик қилиш. Германиядаги ўзимизга ўхшаш корхона билан қўшма корхона бунёд қилмоқчиман. Германияга бориб ускуналарини келтириш, ҳамкорликда ишлаш ҳақида келишиб келдим. Яқинда ҳамкорларимиз корхонамизга келишмоқчи. Истагимиз амалга ошса яна 30 нафар иш ўринлари очилади. Хориждан қолишмайдиган маҳсулотлар ўз бозоримизни тўлдирса нур устига нур бўлади.



УЛАРГА БАРЧА ҲАВАС ҚИЛАДИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Наманганда "Нестле-Ўзбекистон" қўшма корхонасини йирик корхоналар қаторида тилга олиб ўтди. Бу бежиз эмас, албатта. Корхона маҳсулотлари бугунги кунда мамлакатимизда маълум ва машҳур. Унинг ишлаб чиқариш қуввати йил сайин ортиб бормоқда.

Яқинда "Ўзгўштсутсаноат" давлат акциядорлик уюшмаси айнан шу қўшма корхона негизида кўргазмали семинар йиғилиш ўтказди. Республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган мутахассислар "Нестле-Ўзбекистон" қўшма корхонасининг сут тайёрлаш шохобчаси, Чортоқ туманидаги "Барака" фермер хўжалиги ва Уйчи туманидаги сут тайёрлаш маркази иш фаолияти билан танишдилар.

- Бу борада наманганликлар тажрибаси кенг тарғиб қилишга арзийди, - деди "Ўзгўштсутсаноат" давлат акциядорлик уюшмаси раиси М.Холов "Нестле" компанияси билан ўзаро ҳамкорлик туфайли эришилаётган иқтисодий самараларга тўхталиб.

Қўшма корхона вилоятдаги барча ширкат ва фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар билан ўзаро шартномани намунали йўлга қўя олди. Шу боис маҳсулот ҳажми йил сайин ортиб бормоқда.

"Туркистон-пресс".

Саломатлик – энг катта бойлик. Буни яхши англаган Элликқалъа туманидаги марказий касалхона шифокорлари мавжуд имкониятдан унумли фойдаланиб, аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Шифохона касаба уюшма қўмитаси ходимларнинг ишончини қозона олган. Бу ерда унумли ишлаш, кўнгилли дам олиш учун шароит муҳайё этилган.

Суратларда: шифохона ҳаётидан лавҳалар.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

НУРИСТОН ҚУВОНЧУ ТАШВИШЛАРИ

Бундан йигирма уч йил мукаддам Марказий Осиёда энг йирик Таллимаржон ГРЭСининг пойдеворига дастлабки ғиштлар қўйилган эди. Тўртта блоки 3,2 миллион киловатт соат энергия берадиган иссиқлик электр станциясининг қуриб битказилиши мамлакат қудратини мустаҳкамлаш учун хизмат қилди.

Бепоён Қарши чўли кенгликларида бунёдкорлар учун 30 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган Нуристон шаҳарчасига асос солинди. 1985 йилда яп-яйдоқ даштда 56 хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли биринчи уй қуриб, фойдаланишга топширилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 37 тага етди.

Ҳар бири икки хонадонга мўлжалланган 102 та коттеж типида ва аҳолининг ўзи қурган 160 та якка тартибдаги турар-жойлар шаҳар кўркига-кўрк қўшмоқда.

Бундан ташқари 1768 ўринли мактаб, 320 ўринли болалар боғчаси, поликлиника, қишки клуб, нон комбинати, ўнлаб савдо, умумий овқатланиш, аҳолига комунал-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

«Шўртангаз-кимё» мажмуаси буюртмаси асосида 10 та уй, 300 дан ортиқ коттеж типидаги турар-жой, мактаб ва болалар боғчаси қурилиши давом эттирилаяпти. Бу иншоотлар фойдаланишга топширилса, аҳоли сони 4 минг нафар кишига кўпаяди.

Аҳоли ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланган, канализация тармоғи ишлайди. Қишда иситиш марказий қозонхона орқали амалга оширилади.

Шунга қарамасдан, нуристонда ечимни кутаётган муаммолар ҳам бор. Яқинда «Ишонч» таҳририятига кўп йиллардан бери чўлда умргузаронлик қиладиган Плешивцева, Курдюмова, Двуреченская, Маҳмудова, Мирзаев, Журавлёва каби 43 киши мурожаат этиб, қўрғончадаги муаммолар ечимини топишга кўмаклашишни сўрадилар.

Ҳақиқий аҳвол ўрганилганда, воқеа ойдинлашди. Шаҳарчада Обод маҳалла йили муносабати билан кенгайтирилган тадбирлар дастури тузилган. Унга мувофиқ биринчи навбатда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тозалаш ишларини олиб бориш учун коммунал хўжалик бўлими ташкил этилиши керак. Бироқ бу масала ҳозиргача ҳал этилмаган. Шунинг учун бўлса керак, мавжуд кўчалар, йўлакча ва хиёбонларни супириб, тозалаш, илгаридан экилган мевали ва манзарали дарахтларни парваришлаш, латокларни тартибга келтириш ишлари пайсалга солиб келинмоқда.

Нишон туман ҳокимининг қарорлари асосида иккита уй-жой мулкдорлари ширкати тузилиб, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси шўъба корхонаси тасарруфидаги уй-жойлар ва бошқа муҳандислик тармоқлари ҳокимият органлари ихтиёрига топширилган. Иншоотлардаги камчиликлар аниқланиб, уларни таъмирлаб, соз ҳолга келтиришни ГРЭС дерекцияси (И.Баседов) зиммасига олган. Далолатнома мувофиқ дерекция томонидан 53 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилиши ва қурилиш материаллари билан таъминланиши керак эди. Лекин, орадан 2 йил ўтаяптики корхона маъмурияти томонидан сезиларли ёрдам бўлгани йўқ.

Ширкатлар фаолияти ҳам талабга жавоб бермайди.

ГРЭС дерекцияси уй-жойлар ва муҳандислик иншоотларини маҳаллий ҳокимиятга топширилди, деган баҳонада коммунал хўжалик бўлимини бундан бир йил илгари қисқартириб юборган. Ширкатларда техника воситалари йўқлиги туфайли чиқиндилар олиб кетишда узилишларга йўл қўйилмоқда.

Бундан бир неча йил муқаддам бошланган маданият ва истироҳат боғи қурилиши чала қолиб кетган. Савдо-сотиқ олиб бориладиган бозор мажмуаси бунёд этилмаган.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган поликлиника биноси хусусийлаштириб, сотиб юборилган. Ҳолбуки, унинг ёнида қурилиши тугалланмаган. 250 ўринли касалхона қад ростлаб турибди. Қизиқ, мавжуд тиббий муассаса тадбиркорга сотиб юборилса, шифохона ҳали бери қуриб битказилмаса, беморлар 30-40 километр йўл босиб, туман марказига қатнашлари керакми?

Қўрғонча марказидаги 500 ўринли маданият саройи ҳам ким ошди савдосига қўйилган. Ҳудудда етарли майдон бўлмаганлиги сабабли уй қуриш учун ер ажратишларини сўраб мурожаат қилган 500 нафарга яқин фуқароларнинг талаблари қондирилмаган.

Нуристон шаҳарчаси аҳолисининг 80 фоизи ГРЭС қурилишида қатнашаётган эзгу ниятли кишилар. Лекин, туман ҳокимлигидаги мутасаддилар юзага келган муаммоларнинг ечимини топиш учун изланиш ўрнига, аҳоли талабларини эшитмаганга солиб юришибди. Бунисига нима дейсиз?..

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Масала кўндаланг қўйилади

«ТАДБИРКОР» ЖАРИМА ТЎЛАДИ

Бугунги кунда Уйчи тумани ҳудудида 167 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Солиқ тўловчи 31 мингта хонадон , салкам 700 та корхона ва ташкилот рўйхатга олинган. Улар орасида 154 та фермер хўжалиги, 556 та кичик ва ўрта бизнес билан боғлиқ корхона бор.

Бозор талаби қатъий. Ҳар бир жамоада кунига қатор муаммоларни ҳал этиш ҳамда ички имкониятларни ишга солишга тўғри келади. Бунинг учун Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳуқуқий саводхон, омилкор, ташкилотчи бўлишлари лозим.

Уйчи туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ишни мавжуд 10 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда олиб боришмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинларида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси ва Давлат солиқ қонунчилиги асосида тузилган дастурлар тарғиб қилинмоқда.

Туманда 31 мингта ер участкаси мавжуд бўлган хўжаликлар ҳисобга олинган.

Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда солиқ қонунчилигидаги янгиликлар, пенсия ва нафақалар тўғрисидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётимиздаги аҳамияти каби мавзуларда малакали мутахассисларнинг чиқишлари уюштирилди. Бунинг натижасида қўшимча равишда 2 миллион 124.8 минг сўмга яқин қўшимча солиқ давлат бюджетига ундириб олинди.

Айни чоғда ўз ҳудудларида изчил тадбирларни амалга ошираётган ҳамда маҳаллий солиқларни ундириш бўйича белгиланган йиллик топшириқларни муддатидан олдин бажараётган А.Бойматов, У. Каримов, М.Жўраевларнинг иш тажрибалари оммалаштирилмоқда.

Ҳукумат қарорлари асосида истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан кўрилаётган чора - тадбирлар ҳам эътиборга лойиқ.

Яқинда туман солиқ қўмитаси ходимлари ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан ҳамкорликда «Жийдакапа» қишлоғидаги яширин ёғ цехини фош этдилар. Текширув натижасида «Дўстлик» маҳалласида истиқомат қилувчи, муқаддам судланган, вақтинча ишсиз фуқаро Хожимирза Тўйчиев ўз хонадонида ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлиги маълум бўлди. Цехдан қўлбола дастгоҳ, 60 та қоғоз қопда захарли химикатлар билан тўйинтирилган чигит, 60 килограмм пахта ёғи, 6 тонна кунжара, 5 тонна масхар дони ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ёғ таркиби текшириб кўрилганда, унинг истеъмолга мутлақо яроқсиз эканлиги маълум бўлди.

«Еркатой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Хайрулло Хакимов ҳам истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар билан савдо қилаётган пайтида қўлга тушди. У 7 тонна йодланмаган ош тузини тегишли ҳужжатларсиз ва сифат сертификатисиз савдога чиқарган эди. Қоидабузар «тадбиркор» жарима тўлашга мажбур бўлди.

Сохиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири.

ЎҚУВ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Ўқув марказида касаба уюшма мутахассислари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ҳамда тармоқ Марказий қўмиталарининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича бош мутахассислари иштирок этдилар.

– Ўқув-семинарни ўтказишдан мақсад, аввало мутахассислар билим савиясини янада ўстириш, соҳа янгиликлари ва бошқа йўналишлардаги тажрибалар билан чуқурроқ таништириб, ўзаро фикр алмашишларини таъминлашдир, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлим мудири Асқарали Султонов. – Хусусан, Тошкент Ислом университетининг маданий-маърифий ишлар бўйича проректори С. Аъзамхўжаев ўз маърузасида ўқув-семинар иштирокчиларини меҳнаткашлар ва ёшларнинг дунёқарашини ўстириш, уларни турли диний оқимларга кириб қолиш ҳолларининг олдини олишда жамоат ташкилотларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларидан хабардор этган бўлса, Федерация Кенгаши мутахассислари корхона ва ташкилотларда маданий – маърифий ишларни йўлга қўйиш борасида касаба уюшмалари олиб бораётган фаолият, улар қошидаги маданият муассасаларининг мавқеини оширишда жамоа шартномалари, келишувлар имкониятидан фойдаланиш ҳақидаги зарур маълумотларни берди.

Дарҳақиқат, ўқув мазмун-моҳияти жиҳатидан иштирокчилар учун жуда муҳим ва фойдали бўлди. Улар нафақат касаба уюшма йўналишига оид, балки меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш асосида зарур бўладиган муомала маданияти, миллий истиқлол ғояси, миллий мафкурани меҳнат аҳли ва ёшлар онгига янада чуқурроқ сингдиришда касаба уюшмаларининг ўрни, мулоқот психологияси асосларидан ҳам сабоқ олдилар.

Шунингдек, касаба уюшмалари маблағларини маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига оқилона сарфлаш йўл-йўриқлари, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунини амалда қўллаш тартиблари, меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил этиш, болалар ва ўсмирлар мактаблари фаолиятини кучайтиришда касаба уюшмалари ҳамда жойлардаги жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқарувларининг ҳамкорликдаги вазифаларига бағишланган маруза ва суҳбатлар ҳам ўта қизиқарли, фикр-мулоҳаза ҳамда баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Айниқса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси Мавлуда Шукурованинг ёзги соғломлаштириш мавсуми олдидан болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ишини ташкил этишда тегишли вазирликлар, идоралар, бошқармалар, жамоат ташкилотлари ва хўжалик органлари билан ҳамкорлик, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика санитария-эпидемиология бошқармаси мутахассиси Н. Салихованинг «Болалар оромгоҳларини ташкил этишда санитария меъёрлари талабларига риоя қилиш тамойиллари»га бағишланган маърузаларидан қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ўқув-семинар иштирокчилари ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда «Тошкент трактор заводи» ДАЖ маданият саройи фаолиятининг тутган ўрни ҳамда кутубхона ходимларининг корхона «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликдаги иш тажрибалари билан танишиш мақсадида заводда ҳам бўлдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
ЎзКУФК матбуот котиби.

Хазорасп туманидаги 68-ўрта мактабда таълим-тарбия ишлари намунали олиб борилмоқда. Тажрибали, ўз касбига фидойи муаллимлар саъй-ҳаракати зое кетмаяпти. Жумладан, илм масканининг олти ўқувчиси вилоят олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, биринчи ўринни эгалладилар.

Суратларда: туман Халқ таълими бўлими мудири Б.Рўзматов ўқитувчилар билан галдаги вазифалар хусусида фикрлашмоқда.

Саволларингизга ТДЮИнинг «Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси» ўқитувчиси Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: ***мен мактабда ишлаётган вақтда бахтсиз ҳодиса оқибатида III гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. ТМЭК менга иш жойингиздан ойлик иш ҳақингизнинг 60 фоизи миқдорида товон пули беришади деган эди. Ойлигим тўққиз минг сўмни ташкил этади. Лекин менга икки минг сўм товон пули беришади. Шунингдек, пенсиянинг ҳам 50 фоизини тўлашади. Шу тўғрими?***

Р.МАНСУРОВ,
Фориш тумани.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1-февралдаги «Ходимларга уларнинг Меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари» тўғрисидаги 48-сонли қарорининг 2-бўлимида зарарнинг жабрланувчига тўланадиган миқдорини аниқлаш тартиби белгиланган бўлиб, унга ,кўра кўрилган зарарни тўлаш миқдори жабрланувчининг меҳнат жароҳати олгунига қадар оладиган иш ҳақига нисбатан фоизларда, уларнинг касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражасига қараб белгиланади. Бунда жабрланувчиларга - меҳнат жароҳати бўйича ногиронларга зарарни қоплаш учун тўланадиган пул Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Ҳозирги кунда Республикамизда энг кам ойлик иш ҳақи 4535 сўмни ташкил этади.

Шунингдек, ўртача ойлик иш ҳақи меҳнат жароҳати олиш ёки меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизлик, ёхуд меҳнатга лаёқат даражаси пасайишидан (фуқаронинг танлови бўйича) олдинги 12 ой мобайнидаги иш (хизмат, муддатли ҳарбий хизматдан ташқари) якуни бўйича аниқланади.

III гуруҳ ногиронлиги бўйича олаётган пенсиянгиз тўғрисида шуни айтиш жоизки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисида»ги - 1289-сонли Фармонига асосан ишловчи III гуруҳ ногиронларига тайинланган пенсиянинг 50 фоизи тўланади.

САВОЛ: ***мен ўз меҳнат фаолиятим даврида 21 йил 4 ой мактабда, 9 йил 8 ой спорт мактабида тренер бўлиб ишладим. Имтиёзли пенсияга чиқишга ҳақким борми?***

Х. МАДАМИНОВ,
Янгиариқ тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонунининг 12-моддаси «к» бандига асосан ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари махсус иш стажи камида 25-йил бўлган тақдирда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу эса Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги «Имтиёзли шартлардан пенсияга чиқиш» ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги 250-сонли қарорининг 3-рўйхати 7-бўлимида имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладиган ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимларининг лавозимлар рўйхати кўрсатилган бўлиб, рўйхатда тренерлик лавозими эътиборга олинмаган.

БУХОРОДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Бухорода Американинг I*EARN халқаро таълим лойиҳасига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, АҚШ вакиллари иштирок этди.

Маълумки, I*EARN Интернет тизими орқали махсус лойиҳалар ёрдамида жаҳондаги саксондан ортиқ мамлакат ўқитувчи ва ўқувчиларини бирлаштиради, У ўқувчиларга сайёрамиз ҳаётини янада яхшироқ англаш, уларда қизиқувчанликни ривожлантиришга, ҳамкорликдаги тадқиқотлар, илмий ва ижодий лойиҳаларга жалб этишга кўмаклашади.

Уч кун давом этган анжуманда Ўзбекистон ва Марказий Осиё шаҳарларида I*EARN лойиҳалари ишини ташкил этиш, бу борадаги тажрибаларни оммалаштириш ҳақида сўз юритилди. Синфларда Интернет технологиясидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга дарс ўтишнинг янги услублари тақдим этилди.

Газетхон илтимосига кўра

Газетамизда «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукнининг ташкил этилиши шарофати билан таҳририятимизга келаётган хатлар ёки журналистлар ҳузурига ташриф буюраётган кишилар сони анча кўпайди.

Газетамизнинг 2002 йил 15-май сонида «Иккинчи гуруҳ ногиронига тегишли» сарлавҳаси остида ҳуқуқшунос Гулноза Сатторованинг жавоблари берилган эди: «... Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17-апрелдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган уй-жой коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар бериладиган шахслар тоифаларининг рўйхатига кўра ёлғиз пенсионерлар, шу жумладан ўзгалар қарамоғига муҳтож ногиронлар сув таъминоти, канализация, иситиш, газ ва электр энергияси учун ҳақ тўлашдан ҳамда фойдаланиш ҳаражатларидан (уй-жой умумий майдонининг ижтимоий нормаси доирасида) озод қилинадилар. Иккинча гуруҳ ногиронининг ёлғиз пенсионерлар тоифасига тааллуқлилиги ва яшаш учун маблағ манбаи йўқлиги ижтимоий таъминот бўлими томонидан, ўзгалар ёрдамига муҳтожлиги эса даволаш муассасаси томонидан белгиланади.»,– дейилганди.

Гап шундаки, таҳририятимизга иккинчи гуруҳ ногирони ТМЭК томонидан 2002 йил 5-сентябрда берилган: «Ўзгалар ёрдамига муҳтож»,– деб кўрсатилган хулосани, яшаш жойидан берилган маълумотномани, Чилонзор туман ижтимоий таъминот бўлимидан 2002 йил 10-сентябрда унинг ариза-сига берилган жавоб хатини ҳамда газетамизнинг 2002 йил 15-майдаги сонини кўтариб келиб қолди. Ҳужжатлар билан яхшилаб танишиб чиққач, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Ижтимоий ёрдам ва қўллаб қувватлашни ташкил этиш», - бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Мўътабар Содиқова** билан учрашиб, ундан юқоридаги масалага ойдинлик киритиб беришликни сўрадик. Қуйида унинг изоҳи эътиборингизга ҳавола этилмоқда. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги «Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялашнинг қўшимча тадбирлари» ҳақидаги 212-сонли Фармонига асосан, фарзандлари, шу жумладан боқиб олган болалари, яқин қариндошуруғлари, шунингдек қаровчиси бўлмаган, ёши 60 дан ошган қариялар, I-II гуруҳ ногиронлари ёшидан қатъи назар ҳамда васийлари бўлмаган шахслар соғлиғига кўра ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ёлғиз ногиронлар,– деб ҳисобланадилар («ёлғиз»деб юритилади).

Ёлғизликка даъвогар шахс ариза, яшаш жойидан маълумотнома ва ҳудудий шифокорлар маслаҳат комиссияси (ВКК) ёки меҳнат қобилиятининг йўқолиш даражасини аниқлайдиган (ТМЭК) тиббиёт комиссиясининг хулосаси билан ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилгандан сўнг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ўрганиб чиқилади. Ўрганиш натижасида ёлғиз деб топилган пенсионерлар рўйхати маҳаллий ҳокимиятга тақдим этилади ва ҳокимиятдан тасдиқлангандан кейин ушбу фуқаролар ёлғиз деб тан олинади ва белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ёлғизларга хизмат кўрсатиш уларнинг яшаш жойларидаги ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан ҳудудий шифокорлар маслаҳат комиссияси (ВКК) ёки меҳнат қобилиятининг йўқолиш даражасини аниқлайдиган (ТМЭК) тиббиёт комиссиясининг хулосасига кўра расмийлаштирилади.

Фуқаронинг ёлғиз деб тан олинмаслигига қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

– фарзандлари ёки боқиб олган болаларининг ва унга ёрдам кўрсатиб турувчи васийларининг мавжудлиги;

– яқин қариндошларининг мавжудлиги;

– олаётган пенсия миқдорининг ва бошқа даромадларнинг юқорилиги;

– қимматбаҳо мол-мулкининг бўлиши, иккита ёки ундан ортиқ уй-жой ёки автомобилларга эга бўлиши;

– меҳнатга лаёқатлилиги ва ҳоказолар.

Ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган ёлғизларга уйларида ижтимоий хизмат кўрсатиш учун ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан ижтимоий ходималар бириктириб қўйилади. Ижтимоий ходималар ҳар бир ёлғизнинг уйидан ҳафтада камида 2 марта хабар олиб, ёлғизнинг овқат пиширишига, уйларини тозалашига, кирларини ювишига, бозорлик қилиб келишига ва бошқа юмушларига ёрдамлашади. Ёлғиз касал бўлиб қолганда унга тез тиббий хизматни чақиради, касалхонада ётса унинг ҳолидан хабар олиб туради. Давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамлар беминнат бўлиб, ёлғизнинг уй-жойи ёки мол-мулки ҳисобига қилинмайди. Ёлғизларнинг уй-жойи ва мол-мулкининг кимга қолдириши ёки қолиши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади. Рўйхатга олинган ёлғиз пенсионерларга 8 хил турдаги меъёрий озиқ-овқатлар ва кир ювиш воситалари ҳар ойда бепул етказилади.

Фармонга асосан, ўзгалар ёрдамига муҳтож якка-ёлғизларга қуйидаги имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган:

1. шифокор рецептига асосан бепул дори-дармон олиш;

2. даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиш;

3. икки йилда бир маротаба бепул сиҳатгоҳ йўлланмасини олиш (Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфидаги сиҳатгоҳларга);

4. тиббий хулосага асосан протез-ортопедия буюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачасини бепул олиш;

5. коммунал хизматлар (газ, сув, электр ва иссиқлик энергияси) учун ҳақ тўлашдан озод этиладилар;

6. маъмурий туман ҳудудидаги (таксидан ташқари) йўловчи транспортларда бепул юриш (шаҳардан ташқари);

7. турар жой учун ҳақ тўлашдан озод этиладилар (1 кишига 16 кв.м.);

8. ер солиғидан озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги 2832-сонли Фармонига асосан, турар жой ва коммунал хизматлар тўловидан озод этиш фақат ҳокимиятдан тасдиқланиб, ижтимоий таъминот органларида ёлғиз сифатида рўйхатда турган пенсионерларгагина тааллуқлидир.

– Энди аризачига «Ўзгалар ёрдамига муҳтож»,– деб берилган хулосага келсак айнан ўзгалар қарамоғига, парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ногиронларга бериладиган маълумотномаларнинг бир-биридан катта фарқи борлиги ва унда ўзгалар ёрдами эмас, парваришига муҳтожлиги алоҳида таъкидланиши лозимлиги маълум бўлди. Биз бу мавзуга ҳали алоҳида қайтамиз.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ишонч» мухбири.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ЯНА ИМТИЁЗЛАР ҲАҚИДА

«ЎЗСАЛАМАН» ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА

«Ўзсаламан» сўнгги йилларда нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади. Ишни эркаклар пойабзали тайёрлашдан бошлаган корхонада бугунга келиб қиркка яқин турдаги оёқ кийими ишлаб чиқарилмоқда.

Асосий эътибор маҳсулот сифатига қаратилгани боис талабгорлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Россия, Қирғизистон ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари пойабзал бозорида ўз харидорини топди. Москва шаҳридаги «Ўзсаламан-Москва» савдо уйи бу йил беш минг жуфт мавсумий оёқ кийимга буюртма берган. Яқиндан бошлаб қўшма корхона маҳсулотлари жанубий мамлакатлар, хусусан Афғонистонга экспорт қилина бошлади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бу йил корхонада икки миллиард сўмлик «Ўзсаламан» тамғаси туширилган пойабзал тайёрланади. Рақамлар корхона ишлаб чиқариш қувват ва имкониятини чегараламайди. Бу ерда омбор эмас, буюртмачилар талаблари асосида маҳсулот тайёрланади.

Ички ва ташқи бозор, харидор талаблари асосида иш юритаётган корхона кейинги пайтларда маҳсулот таннархини арзонлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Бир пайтлар хомашёнинг асосий қисми Германиядан келтирилган бўлса, бугунга келиб маҳсулотнинг 83 фоизи маҳаллий хомашёдан тайёрланмоқда. Бу борада корхонага Қўқондаги «Кўнчи» ҳиссадорлик жамияти, «Обидхон» хусусий фирмаси, Тошкентдаги «Чарм» шўъба корхонаси, Андижондаги «Олтин дери» корхоналари амалий ёрдам бермоқда. Лекин маҳаллий хомашёнинг ҳаммаси ҳам халқаро сифат стандартларига тўғри келмаётгани айрим ҳолларда ишга панд бермоқда. Масалан, пойабзал тайёрлаш учун керакли бўлган ипни корхона ҳанузгача Россиядан сотиб олади. Мамлакатимиз ип-йигирув корхоналарида тайёрланаётган бу каби маҳсулотларнинг сифати эса пойабзалчилар талабларига жавоб бермаяпти. Ортиқча сарф-харажатлар ҳисобига олиб келинган хомашё табиий равишда маҳсулот таннархига таъсир кўрсатмоқда.

- Айни кунда пойабзаллар учун пошна тайёрлаб берадиган янги цех ташкил этишга киришдик, - дейди корхона бошлиғи Қодиржон Солиев. - Ана шу мақсадлар учун Германиядан «Оттоғалла» ускуналари олиб келинди. Цех ишга тушгач, яна уч юз киши иш билан таъминланади. Янги тармоқ буюртмачилар талаб ва истаклари асосида турли кўринишда пошна тайёрлаб, «Ўзсаламан» тамғаси туширилган бежирим оёқ кийимлари ишлаб чиқариш, ички бозоримизга ноқонуний кириб келаётган пойабзаллар билан муносиб рақобатда бўлиш имкониятини беради.

(ЎзА).

Қонун барчага баробар

СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда хусусий секторнинг, хусусан, тадбиркорларнинг ўрни алоҳида. Ҳукуматимиз томонидан уларга бир қатор қулайликлар яратиш, қонуний манфаатларини кафолатлаш мақсадида меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Шундай бўлса-да, айрим шахслар томонидан даромад топиш илинжида амалдаги қонун-қоидаларни четлаб ўтиш ҳолатлари кузатилмоқда. Таъкидлаш жоиз, Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори баъзи ноқонуний йўллар билан мамлакатимиз ҳудудига товарларни олиб киришларига чек қўйди. Шундай бўлса-да, ҳали ҳануз қонунбузилишлар кузатилмоқда.

Ҳамза туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари томонидан фуқаро Дониёр Назиров «Паркент» бозорида ҳеч қандай ҳужжатсиз қурилиш моллари билан савдо қилаётганлиги аниқланди. Бели оғримай пул топиш илинжида бўлган ушбу шахс амалдаги солиқ қонунчилигига чап бераман дея хомхаёл қилган. Оқибатда 5 миллион 435 минг сўмлик маҳсулоти давлат фойдасига мусодара қилинди. Ёки фуқаро Ш.Акрамов бошқа бир шахсга Испанияда ишлаб чиқарилган қурилиш моллари пулларини ўтказиб, ўзи Ўзбекистонга келиб, «Тадбиркор»нинг савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси талаб қилинганда, ҳужжатларнинг йўқлиги ошкор бўлди. Боз устига Ш.Акрамов ушбу жараёнда олди-сотдини валюта ҳисобида, яъни 600 АҚШ доллари билан амалга оширган.

Дарвоқе, ҳукуматимиз томонидан фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида барча банк муассасаларида валюта сотиш ва сотиб олиш шохобчалари ташкил этилган. Шунга қарамасдан айрим кимсалар онгли равишда валюта қимматликларини ноқонуний олиб-сотиш билан шуғулланаётганликлари ачинарли ҳолдир. «Паркент» бозори ҳудудида аканука Бердиёровлар фуқаро Б.Юнусжоновга 200 АҚШ долларини 254 минг сўмга сотаётган пайтда хатти-ҳаракатлари фош этилди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Шу йил февраль ойида Ҳамза тумани ҳудудида қонунга хилоф равишда чет эл валюта қимматликларини олиб сотиш билан шуғулланаётган фуқароларни аниқлаш мақсадида тезкор тадбир ўтказилди. Жараён мобайнида ажабланарли ҳолатга дуч келинди. Элбек кўчаси 28-уйда жойлашган «Миллий банк»нинг Ҳамза туман бўлимига қарашли валюта айирбошлаш шохобчасидан фуқаро Елена Землянская ноқонуний йўл билан фуқаро Дилшод Дадаевга тегишли 1 миллион 530 минг сўмга 1500 АҚШ долларини олиб чиқиб берганлиги маълум бўлди. Табиий савол туғилади: фуқароларга чет эл валюталарини сотиш ва сотиб олиш шохобчаларида барча қулайликлар яратилган бўлса-да, бундай кимсаларни ноқонуний йўл тутишига нима мажбур қилмоқда?

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни фош этишда бўлим ходимлари Ибрат Муҳамедов, Хуршид Абдурахимов, Ботир Тошхўжаевлар фаол иштирок этмоқда. Бу борада аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Қарор ва меъёрий ҳужжатлар моҳиятини фуқароларимизга етказиш мақсадида жойларда семинарлар, савол-жавоблар ўтказилаяпти. Бозорларда, аҳоли гавжум ҳудудларда маслаҳат марказлари ташкил этилди.

Зиёдулла ИНОҒОМОВ,
Ҳамза туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими бошлиғи.
Давур ЖОЗИЛОВ,
«Ишонч» махсус мухбири.

Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги олдидан

НАСРНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ

Ғафур Ғуломнинг 30-йилларда ёзган «Шум бола» қиссаси ҳам қулгидан мустасно эмас. 1962 йилда қайта ёзилган бу асар болалар адабиётига тааллуқли бўлиб, унда чиркин даврдаги 4-15 ёшдаги ўспиринларнинг аянчли аҳволи тасвирланган. Ғ. Ғулом бу асарда кечмиш-кечирмишларини ижобий жўшқинлик, фантастик уйдирмалар билан бойитиб, ёшлик ғайратларини илмга ва жамиятга сарф қилолмай, бир нав тирикчилик ўтказиш йўлида тентираган шўх, «олов» болалар образини яратди. Ўзбек адабиётида шу пайтгача болалар дунёсига дахлдор бундай йирик асар юзага келмаган эди. Ғ. Ғулом йигитлик паллаларидаёқ, жаҳонга машҳур бўлган Марк Твеннинг кўп асарларини ўқиган эди. Айниқса, унинг «Том Сойер» ва «Гекльберри Финн» асарини қайта-қайта ўқиб, кейинчалик у билан рақобатлашадиган «Шум бола» юмористик саргузашт асарини чоп эттирди. Ғафур Ғулом насрини дунёга танитган мазкур асарда ёзувчи бевосита ҳаётий воқеаларни асос қилиб олган бўлсада, халқ латифа ва ҳикоятларидан ҳам кенг фойдаланиб, ўзининг фантазияси асосида тўқима ёки уйдирма воқеаларни асар мазмунига сингдириб юборган. Асарда ғоят теран ва жозибали қаҳрамонлар характери яратилган. Буларнинг бари бирлашиб, қиссанинг ҳаётийлигини оширган. Шум боланинг ҳаёт билан тўқнашуви, унинг турли хатти- ҳаракатлари орқали, латиф ҳажвга йўғрилган ўзига хос миллий таъб билан ифода этилган ранг-баранглиқни кўрамиз. У дастлаб болалар билан халфана қилиш ниятида уйидан тухум ва ёғ ўғирлаб, онасидан калтак еб, аммасиникига қочишга мажбур бўлади. У ерда уқувсизлик қилиб, қушларни қотириб қўяди. Шундан кейин у ердан ҳам насибаси қирқилиб тентираш, дайдилик йўлига кириб, саргузашт кетидан саргузаштларга учрайверади. У дўсти Омон билан Золариқ бўйидаги қозоқ кампирнинг ўтовида бўлиб, бўзаҳўр ўғрилар ҳаёти билан танишади. Ўғрига шерик бўлган домлага югурдаклик қилиб, ўлик ювиш, бойга қарол бўлиш каби носоз ишларга гирифтор бўлади. Ҳожи бобо кўкнорихонасида эса, бир тўда гиёҳвандлар, ақли моғорлаган карахт одамларга рўбарў бўлади.

Кетма-кет келадиган ғоятда изтироб ва таҳликага тўла бу воқеа-ҳодисалар силсиласи ичидан биз Шум боланинг ўзига хос овози, ҳаракати ва феъл-атворини кўриб турамиз. Қаҳрамон бу воқеалар орасидан худди ўтда куймайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳатто тегирмон тагидан ҳам бутун чиқадиган, уддабурон бола сифатида намоён бўлади. Унинг саргузаштларга тўла ҳаёт йўлида «қизил ип» бўлиб ўтадиган нарса жонли оптимизмдир. Шум бола эртаю кеч бахт излаш, бахт топиш илинжида саргардон бўлади, бироқ уни топмайди.

У ҳамма ерда ҳақсизлик, хиёнат, адолатсизлик ҳукм сураётганлигини кўради. Бироқ шунга қарамай, мазкур тўсиқлар гирдобидан ошиб ўтишга уринади ва шу жиҳати билан бу образ мароқли туюлади. Ёзувчи бошқа эпизодик образларни ҳам ғоят маҳорат билан тасвирлашга эришадики, натижада асарда қатнашадиган ҳар бир шахс китобхоннинг эсидан чиқмайди. Ҳожибобо феълидаги қувлик ёки ўғрилик илинжида юрадиган эшон, бўзаҳўр домла, «иннайкейин» деявериб, одамни хит қилиб юборадиган бой образи ёхуд Султон ўғрининг ўзига хос киссавурлик ҳунари ғоят жонли тасвирланганлиги боис, китобхоннинг бир умр қалб тўридан жой олган. Бу асарнинг умумий пафосида Шум боланинг саргузаштлари баҳонасида 1914-1915 йиллардаги ўзбек воқелиги панорамаси кенг тасвирланган.

Асардан биз ўзбекнинг оғирлашиб кетган ҳаётини қурбонлар, қирғинлар ва ҳақсизликлар туфайли ўкинган ва майиб қилинган халқнинг сиймосини, оҳ-зорларини эшитиб турамиз. Шу маънода Шум бола мозийдаги камбағал, дарбадар, етим болаларнинг ўксик дийдасидан оқиб тушган шабнамга ўхшайди. Унинг дарбадарлиги ойнасидан биз, ўтмиш ўзбек халқи турмушининг манзарасини кўришга муваффақ бўламиз. Қиссанинг ҳали асосий сюжети бошланмасдан туриб, муаллиф Тошкентда жанжаллар кўпайиб кетганлигини санайди. Шу тасвирнинг ўзиданоқ, ўзбекларнинг турмуш тарзи, кечмиши оғирлашиб кетганлиги кўринади. Ёзувчи бозорларнинг оммавий тасвирини берганда ҳам ғоят ихчам бир манзарани жонлантиради.

«Жума куни, қўйлар маъраган, туялар бўкирган, отлар кишнаган, бозорчилар сўкишган, толе осмонини бозорнинг чанги қоплаган, даллолларнинг билаклари «бор барака топ»да чарчаган. Мен ўша олағовур ичида «селда қолган чумолидай» беихтиёр эдим». Ғафур Ғулом Шарқдаги бозор тарзини ғоят кулги-киноялар билан омухта тасвирлайди. Масалан, атторлик ёймасининг биргина кўринишини ёзувчи шундай таништиради: «Бир қатор атторлар эски қоп, яғир шолча, йиртиқ бўз парчаларини қизил, оқ, яшил лахтак қуроқлардан, турли-туман соябонлар ясаб, молларини бевосита ернинг ўзига ёйиб қўйибдилар. Бу моллар ичида жаҳондаги атторликнинг ҳамма жиҳози топилади. Бит, бургага қарши ишлатиладиган, ўлдирилган симоб дейсизми, кўтирга қарши индов ёғи, ёмон ярага қарши хуни дори, мози, занжабил, саноимакка кучала, кўзмунчоқ, думалоқ упа, кўрпа игна, соқол тароқ, халилаи занг деган қувват дори, иштонбоғ, иштонпоча, бухор сақич, қора сақич, ҳар қандай ярага дори бўладиган балзаммой қалампирмунчоқ, томир дори — қўйинг-чи, ҳамма нарса бор».

Ғафур Ғулом тутган шу кўзгудан биз Ўрта Осиё халқлари ўтмишидаги ҳаётнинг манзараларини билиб оламиз. Қисқаси «Шум бола» саргузашт асарида тўлақонли характерлар яратилишидан ташқари инқилобгача бўлган ўзбек турмушининг турли қирралари тасвирланганини кўрамиз. Шу жиҳатдан бу китобни ўзбек адабиётида яратилган бадиий асарларнинг энг ёрқин намунаси деб аташга ҳақлимиз.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди.

(Боши ўтган сонда)

Ёшлар келажагимиз

ТАЛАБАЛАР КАСАБА УЮШМАСИ

кўп ишга қодир

Расмий маълумотларга кўра Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини 30 ёшдан ошмаган ёшлар ташкил қилади. Мамлакат келажаги эса айнан улар ким бўлиб вояга етишига, билим ва иқтидорига боғлиқ. Таълим тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишда касаба уюшмаларининг жонбозлиги ҳам шу боисдандир. Зеро, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида талаба-ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида ўзига хос тажриба тўпланган. Бу ҳақда талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев шундай дейди:

– Ўтган йили талабалар касаба уюшма қўмитаси алоҳида ташкилот сифатида ўз фаолиятини бошлади. Айни кунда 7000 нафарга яқин талабани ўз сафига бирлаштирган қўмитанинг асосий вазифаси – ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлмоқда. Бу эзгу мақсадлар йўлида талабалар уйлари билан ишлаш, спорт ва соғломлаштириш бўлимларимиз муайян натижаларга эришдилар.

Жумладан, қўмита ўз фаолиятининг илк кунлариданоқ талабаларни яшаш ва ўқув шароити билан танишиб, янги ўқув йили бошлангунга қадар талабалар уйлари ва ўқув лабораторияларини таъмирдан чиқариш кераклиги ҳақида раҳбариятга таклиф киритди. Бунинг учун талабалар қурилиш гуруҳлари тузилди.

Бу ишда ташаббус кўрсатган 80 нафар талабанинг ҳар бирига 10000 сўмдан 15000 сўмгача, жами бир миллион сўм миқдорида моддий рағбатлантирилди.

«Талабаликка бағишлов» байрам тадбирларида 1 курс талабаларига касаба уюшма қўмитаси томонидан махсус совғалар тарқатилди.

Шунингдек, Университет Маданият саройида «Огоҳлик – давр талаби» мавзусида «Терроризм – тараққиёт душмани» тадбири уюштирилди. «Халқаро талабалар куни» муносабати билан эса «Талабалик – олтин даврим, олтин эса зангламас» деб номланган шоу дастур ўтказилиб, унда қўмитамиз томонидан 22 нафар фаол талабага спорт кийимлари, 21 нафар талабага эса 3000 сўмдан пул мукофотлари берилди.

Спорт ва соғломлаштириш ишларини оммалаштириш ниятида қўмитамиз волейбол бўйича талабалар уйлари ўртасида мусобақалар уюштирди. Ғолиб жамоа аъзолари эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Мусобақани ўтказиш учун 100000 сўм миқдорида маблағ ажратилди. Шунингдек, «Университет кубоги» учун ўтказилган футбол мусобақасида ҳам қўмитамиз бош-қош бўлди.

Университетда таҳсил олаётган иқтисодий ночор, ота-онасиз, ногирон, вилоятлардан келиб талабалар уйларида истиқомат қилаётган 1011 нафар ёш 9000 сўмдан, университет терма жамоасида иштирок этаётган 176 нафар талаба 12000 сўмдан ҳамда илмий ишларни муваффақиятли бажараётган 20 нафар докторантларга 25000 сўмдан, шунингдек, 183 нафар аспирантга 15000 сўмдан моддий ёрдам уюштирилди.

Талабаларнинг саломатликларини яхшилаш ҳам ҳамиша эътиборимизда. Университет қошидаги санаторий-профилакторийда даволаниш учун ҳозирги кунга қадар 175 нафар толиби илмга имтиёзли йўлланмалар берилди. Қўмитамиз ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, турли маданий-маърифий тадбирлар уюштиришда ҳам бош-қош бўлмоқда. Жамоатчи, билимдон талабаларни рағбатлантириш мақсадида касаба уюшмаси томонидан театр ва концертларга бепул чипталар тарқатилди. Бу тадбирларни уюштиришда қарийб бир миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Амалга ошираётган бу ишлар ўз самарасини бермоқда. Айни кунда Г. Баратова ва Н. Нормуродов каби аъло баҳоларда ўқийдиган талабаларимиз Республика Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси стипендияси совриндорларидир.

Айни кунларда Наврўз тадбирларига тайёргарлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Университет атрофини кўкаламзорлаштириш, талабалар уйларида ободонлаштириш ишларида касабақўмлар ташаббускорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Шунингдек, байрам муносабати билан талабаларга байрам оши тарқатамиз, ётоқхоналарда сумалаклар ташкил қиламиз. Бундан ташқари, иқтисодий ночор талабаларга ёрдам беришни ҳам режалаштираяпмиз.

Таълим-тарбияда руҳан тетик, жисмонан бақувват, соғлом ва билимдон талабагина кутилган натижага эришиши мумкин. Қўмитамиз бундан кейин ҳам баркамол ёшларни қўллаб- қувватлашдек эзгу ишда ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб қолади.

Суҳбатдош
Умида БОЛЛИЕВА.

«ДИНАМО»ДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Самарқанд шаҳридаги «Динамо» спорт мажмуида машҳур полвон Алибек Примов хотирасига бағишлаб кураш бўйича халқаро турнир ўтказилди. Унда Афғонистон, Арманистон, Қозоғистон ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган юздан зиёд номдор полвон беш вазн тоифасида гиламга чиқди.

Икки кун давом этган муросасиз беллашувлардан сўнг ғолиблар аниқланди. Турли халқаро мусобақалар совриндорлари бухоролик Шамсиддин Саидов, самарқандлик Акмал Усанов, қашқадарёлик Исҳоқ Аҳмедов, тошкентлик Давлат Чориев ҳамда сурхондарёлик Абдулла полвон Тангриев ўз вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритди.

(ЎзА)



ЭНГ ЯХШИ ТУҲФА

Таълим ва фан ходимлари Боғот туман касаба уюшма қўмитаси соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Ишловчиларга етарли иш шароити яратилиши билан бир қаторда иш ҳақлари ўз вақтида тўланиши йўлга қўйилди. Ўтган йил давомида 15 фоиз рағбатлантириш ҳисобидан ўқитувчи ва тарбиячиларга етарли даражада маблағ ажратилди. 89 нафар соҳа ходимлари касаба уюшма йўлланмаси билан вилоят ва республика сиҳатгоҳ ва оромгоҳларида даволаниб, дам олиб қайтдилар. Улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавий турнирлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 23 миллион 59 минг сўмлик иссиқ кийим-бошлар олиб берилди.

Туманда ўқув даргоҳларини қишки мавсумга тайёрлашга ҳам уюшқоқлик билан киришилди. Бунинг учун аввало иситиш системалари тўла таъмирдан чиқарилди. Кўмир билан иситиладиган 5 та мактаб учун 142 тонна ёқилғи ғамланди. 2-, 46-мактаблар капитал ва жорий созловдан чиқарилди. Ўқув даргоҳларини замонавийлаштириш ҳам шу куннинг муҳим вазифаларидан бири қилиб белгиланган. Шу мақсадда Бобур номли мактабга вилоят халқ таълими бошқармаси 77 дона парта ажратган бўлса, Огаҳий номли мактабга Халқаро тинчлик корпуси томонидан компьютерлар тортиқ қилинди.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги томонидан 17.02.2003 йилда «SAVDOGAR-BARAKA» хусусий фирмасига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тадбир

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга жалб этиш орқали соғломлаштириш касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, ходимлар ўртасида турли спорт тадбирларини ташкил этиш энг аввало иш жойида, қолаверса, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

«САЛОМАТЛИК» БЕЛЛАШУВЛАРИ

Чиноз туманидаги 1-, 2- ва 28-мактаблар спорт мажмуаларида таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман қўмитасининг «Саломатлик» спартакиадаси беллашувлари бўлиб ўтди. Мусобақаларда иштирок этган 200 нафарга яқин тармоқ ходимлари спортнинг мини футбол, волейбол, стол тенниси, шоҳмот ва шашка каби турлари бўйича баҳс олиб боришди.

2-мактаб ўйингоҳида ўтказилган мини футбол мусобақаларида «Чиноз» ҳудудий жамоасининг қўли баланд келди. «Олмазор» ва «Ўзбекистон» ҳудудий жамоаларига кейинги ўринлар насиб этди.

Аёллар ўртасида ташкил этилган волейбол ўйинларида 34-мактаб жамоаси ғолибликни қўлга киритди. 1-мактаб волейболчи қизлари иккинчи, 48- ва 28-мактаб жамоалари учинчи ўринларни эгаллашди.

Шоҳмот ва шашка беллашувлари ҳам қизиқарли тус олди. Айниқса, шоҳмот ўйинлари ўзига хос кескинлик касб этди. Ана шундай қизғин баҳсларда 20-мактаб директор ўринбосари С.Аббосов, 12-мактаб ўқитувчиси З.Жамолбоеваларга омад кулиб боқди. Шашка бўйича эса О.Мирзақамбаров (3-мактаб) ва А.Нуроқова (4-мактаб) барча рақиблардан устун эканликларини намойиш этишди.

Стол тенниси мусобақаларида 28- ҳамда 32-мактаблар ўқитувчилари И.Худойқулов ва О.Исоқбоевалар зафар қучишди.

Ғолиб ва совриндорларга тармоқ ходимлари касаба уюшма туман қўмитасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

А.АБДИРОВ,
Чиноз тумани касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси.

ҲАР ОЙНИНГ УЧИНЧИ ШАНБАСИ

«Болалар спорти куни»

Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори соғлом, бақувват ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қашқадарёда ҳам жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Айниқса, болалар спортини оммалаштириш ва ўғил-қизларнинг қизиқишини кучайтириш соҳасида муҳим тадбирлар амалга оширилаяпти.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ушбу йўналишда аниқ дастур ишлаб чиқилди.

Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ҳамда қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда 2003 - 2005 йиллар давомида замонавий талаблар асосида қайта қуриладиган ва янгитдан бунёд этиладиган иншоотларнинг жадвали тақдим этилди. Шунга кўра 447 та янги спорт иншооти қурилиши кўзда тутилаяпти. Жумладан, 170 та спорт зали, 171 та спорт майдони, от спорти билан шуғулланадиган 8 та майдон, 12 та очиқ ва 3 та ёпиқ сув ҳавзалари қурилиши режалаштирилган.

«Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси фаол иш олиб бораяпти. Унга миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Баҳром Авазов раҳбар этиб тайинланган. Банкда жамғарманинг ҳисоб рақами очилди. Ҳомийликка кўплаб юридик ва жисмоний шахслар жалб қилинди. Ибратли томони - вилоят раҳбарлари ўзларининг бир ойлик маошларини жамғарма ҳисобига ўтказишди.

Ҳар ойнинг учинчи шанбаси «Болалар спорти куни» деб эълон қилинди. Шу куни вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, корхона, ташкилот, муассаса, ширкат, фермер хўжаликлари раҳбарлари жойлардаги аҳвол билан танишадилар, камчиликларни бартараф этишга амалий ёрдам берадилар.

Вилоят халқ таълими фаолларининг воҳа аҳлига мурожаати эълон қилинди. Халқ таълими ходимлари ёшлар қалбига ватанпарварлик туйғуларини сингдириш, жисмоний тарбия машғулотлари самарадорлигини ошириш, болаларда спортга нисбатан меҳр-муҳаббатни уйғотиш учун таълим-тарбия жараёнини такомиллаштирмоқдалар.

Ибрат

Таҳлиллар кўрсатиб турибдики, вилоятга яна энг камида 240 нафар спорт ўқитувчилари, мураббийлар керак. Қарши Давлат университетининг жисмоний маданият факултетини бу йил 58 нафар талаба тугатди. Мураббий ва ўқитувчиларнинг сонини кўпайтириш учун дорилфунун ёнида малака ошириш курслари ташкил этилди.

Қишлоқ ва маҳаллаларда болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароит яратишга киришилди. Бу соҳада дастлабки ишлар бошланди. Тадбиркор Ўткир Эркаев ўз маблағи ҳисобидан Қарши шаҳрининг Гулшан маҳалласида спорт мажмуаси барпо этаяпти. Қасби туманидаги А.Навоий номли хўжаликда ёш ўсмирларнинг каратэ бўйича спорт мактабини очишга жамоа маблағлари ҳисобидан 50 миллион сўм ажратиш мўлжалланаяпти.

Спорт фақат футбол, волейбол ёки курашдан иборат эмас. Унинг ҳамма турларини оммалаштириш керак. Қарши шаҳрида жойлашган вилоят спорт соғломлаштириш марказида тажрибали мураббий Алишер Содиқов ёшларга каратэ сирларини ўргатмоқда. Унинг шогирдлари 12 ёшли Жавлон Маҳмудов Германиянинг Дрезден шаҳрида 18 ёшгача ўсмирлар ўртасида ғолибликни эгаллаб, биринчи совринни қўлга киритди. Нодир Хўжаев, Бахтиёр Раҳмонов, Ҳамза Калоновлар бронза медали билан мукофотландилар.

Мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш лозим. Бу соҳада ечимини кутиб турган муаммолар кўп. Ҳали 267 та қишлоқда спорт майдончалари йўқ. Эътиборсизлик туфайли айрим корхона ва хўжаликлардаги спорт йўриқчилари штати қисқартириб юборилган. Стадионлар қаровсиз ҳолда. Мактабларда жисмоний тарбия машғулотлари паст савияда ўтказилади. Нишон, Қарши, Миришкор, Муборак, Қамаши туманларидаги хўжаликлар ва мактабларда спорт иншоотлари талабга жавоб бермайди. Ихтисослашган болалар спорт мактабларида керакли жиҳозлар етишмайди. Маҳаллаларда спорт мажмуалари қуришга етарли эътибор берилмаяпти.

Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганларидек, буюк давлатни фақат соғ миллат, соғлом авлодгина қура олади. Шундай экан, болалар спортини ривожлантириш фақат соҳа мутасаддиларининг эмас, балки, корхона ва ташкилотлар, хўжаликлар, фуқаролар йиғинлари, маҳалла қўмиталари, ота-оналар ва ҳар бир кишининг иши бўлмоғи керак.

А. ИСОМИДДИНОВ

ОТА-ОНАМ ВА МЕН

Фарғонада вилоят ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш ҳамда «Маҳалла» жамғармаси, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ташаббуси билан «Ота-онам ва мен» шиори остида оилавий спартакиада бошланди.

Оила ва маҳаллада спортни оммалаштириш, иқтидорли болаларни саралаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган спартакиада иштирокчилари югуриш, арқон тортиш, тош кўтариш, узоқликка сакраш каби ўнлаб спорт турлари бўйича ўзаро беллашмоқда. Мусобақалар тўрт босқичда ўтказилади.

- Вилоят спартакиадасида саккиз минг 714 оила иштирок этади,- дейди вилоят ҳокимлигининг оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибияти мудири Ҳакимахон Тожибоева. - Спартакиада жадвалини тузишдан олдин оилалар ўртасида спортнинг оиладаги аҳамияти, болани спортга қизиқтиришда ота-онанинг ўрни ҳақида сўровномалар ўтказиб, шу асосда вилоят спартакиадаси жадвали ва спорт турларини белгилаб олдик.

Спартакиада доирасида, шунингдек, «Маҳалла футболи», «Маҳалла полвони» беллашувлари ўтказилади, кичик спорт иншоотлари қурилиб, мавжудларини таъмирдан чиқарилади.

(ЎзА)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Нурилла Ғиёсовга акаси

ЗИННАТ аканинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Нурилла Ғиёсовга акаси

ЗИННАТ аканинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 21188 Буюртма Г— 201. 1 2 3 4 5 6